



АҲОЛИГА МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ



Юлдошев Оббос Амонович

Турон университети

Ўқитувчиси Email: abbosyuldashev667@gmail.com

Аннотация. Мақолада молиявий хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва унда инновацион банк хизматларининг аҳамияти кўрсатилади. Жумладан, Банк хизматлари сифати ва тезлигини ошириш муҳим устувор йўналиш ҳисобланиб, унда рақамли технологияларга асосланган банк хизматларидан фойдаланишнинг афзалликлари аниқ кўрсаткичлар асосида ифодаланади. Шунингдек, рақамли технологиялар асосида Банк фаолиятини трансформациясига оид тадқиқотлар ва бўй ўналишда мамлакатимизда эришилаётган натижалар ҳамда келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар хусусида таҳлилий ҳулосалар келтирилади.

Калит сўзлар: молиявий хизматлар, банк, рақамли технология, банк трансформацияси, масофавий банк хизматлари, рақамли банк хизматлари, блокчейн.

Кириш

XXI асрни рақамли технологиялар ривожланиши асри дейиш мўмкин, чунки, ҳозирги кунда дунё айнан шу асосда ривожланиш йўлидан бормоқда. Адабиётларда ҳам иқтисодий рақамли технологиялар асосида ривожланиши **4.0.Индустрия** атамаси билан юритилмоқда [2]. Жумладан, молиявий хизматлар сифатини оширишда ҳам рақамли технологияларга асосланмоқда. Бунда айниқса, Банк хизматлари сифати ва тезлигини ошириш муҳим устувор йўналиш ҳисобланади [1]. Халқаро ташкилотлар томонидан ўтказилган тадқиқотлар бўйича молия технологияларининг жорий этилиши молия институтлари фаолияти рентабеллигини 20 фоизга ошириши аниқланган. Масалан, Insider Monkey компанияси томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра 2021 йилда, яъни пандемия даврида энг юқори даромад келтирувчи соҳа айнан ҳар хил дастурий таъминот маҳсулотлари (иловалар ва тизимлар) эканлиги таъкидланган бўлиб, шу даврда капитал рентабеллиги 32,07 % ни ташкил қилган [10].

Маълумки, барча молиявий муносабатлар банк субъекти орқали амалга ошишга асосланган. Шу боис универсал хизматлар кўрсатиш доирасида банк тузилмалари ўзига хос тўғридан-тўғри иштирокчи ва воситачи бўлиб, улар

молиявий операциялар билан чекланиб қолмасдан, миждозларга керак бўлган хизматларнинг барча турини таклиф қилиши талаб этилмоқда. Мамлакатимизда ҳам банк трансформацияси асосида молиявий хизмат турларини комплекс ўзгартириш бўйича сифат ўзгаришларини халқаро стандартлар талаби асосида шакллантириш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш, халқаро майдонда ўз ўрнини топа билиш каби моделларни яратиш масаласи энг муҳимдир.

Ушбу мақолада банк тизимида молиявий хизмат бўйича рақамли технология маҳсулотларини жорий этилиши қандай натижа олиб келаётганлиги ҳамда уни ривожлантириш масаласида таҳлилий фикр юритилади.

Адабиётлар шарҳи

Молиявий хизматлар асосан банк орқали амалга ошишга асосланади. Шу боисдан охириги ўн йилликда бутун дунёда молиявий хизматларда қулайликлар яратиш мақсадида, аввало банк соҳасида рақамли технологияларга асосланган ислохотлар ўтказилмоқда. Бу шубҳасиз, банкларнинг асосий устунлик драйверига айланиб бормоқда. Мамлакатимизда ҳам сўнгги йилликда рақамли технологияларга асосланган банк трансформацияси йўналишида қатор ўзгаришлар юз бермоқда.

Бир қанча замонавий олимлар ҳам банк трансформацияси масаласини илмий мақолаларда ёритиб бормоқда. Жумладан, С.В. Кривошапова “ҳисоб-китоб, тўловлар тезлиги ва касса хизматлари кредит ташкилотларида муҳим муаммолардан бири эканлиги”ни таъкидлаган [4].

Бугунги кунга келиб, замонавий банклар фаолияти камроқ эксклюзив бўлиб қолди ва унинг роли аста-секин ўзгармоқда. Жумладан, Т.А. Василева банклар энди ноёб маълумотларнинг ягона эгаси эмаслигини кўрсатиб, молия воситаларининг ривожланиши сабабли битимлар банк аралашувисиз тузилаётганлигини ва бунга мисол сифатида нобанк молиявий воситачилар томонидан таклиф қилинадиган “тўлиқ шартномалар”ни келтирган [5].

Ўзбекистонда банк хизмати трансформацияси масаласини қатор муаллифлар ҳар хил кўринишда ёритмоқда [6]. Жумладан, Б.Бердияров тижорат банкларининг фаол операциялари рентабеллигини [7], Ф. Мирзаев банк рақобатини шакллантиришнинг концептуал асосларини [8], А.Эрдонаев тижорат банклари трансформацияси қулайликларини [9] таҳлил қилган.

Умуман **рақамли трансформация** деганда, бошқарув тизими, ташкилий тузилма, ривожланиш стратегияси, корпоратив маданият ва бизнес жараёнларида мутлоқ янги инновацион усулларни қўллаш, мавжудларини қайта форматлаш тушунилади. Ривожланган мамлакатлар банкларининг *Банк 3.0* ва *Банк 4.0* концепцияси, шунингдек, мамлакатимизда мавжуд *Банк – клиент*, *Интернет – банкинг*, *SMS – банкинг* каби тушунчалар шулар жумласидандир.

Ушбу тадқиқотлар рақамли банк фаолиятининг ривожланишига шубҳасиз ўз ҳиссасини қўшади, аммо, рақамли технологияларга асосланган банк фаолияти янгидан ташкил этилиб, ривожланиш босқичини ўтаётганлиги сабабли ҳали ўзил-кесил якунини топмаган. Истиқболда молиявий хизматлар кўрсатишни қамраб олувчи молиявий институтлар, хусусан, банклар фаолиятининг муваффақияти ва

рақобатбардошлиги бевосита рақамлаштиришга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бў эса мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Таҳлил ва натижалар


Жаҳоннинг етакчи молия-кредит институтлари, хусусан тижорат банклари томонидан янги шакллантирган стандартларга мослашиш чора-тадбирлари фаол амалга оширилмоқда. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон банк тузилмаларида ҳам молиявий хизматлар бўйича янги стандартларни қўлланилиши натижаси бўйича бир қанча ижобий ўзгаришларни кўриш мўмкин. Жумладан, масофавий банк хизматлари (МБХ) кўрсатилиши банк фаолиятини рақамлаштиришда асосий ўрин тутмоқда. Чунки, мижозлар интернет мобиль алоқа қурилмалари орқали ҳар қандай географик яшаш жойидан қатий назар банк хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар. Бундай масофавий банк хизматлари учун биометрик технология, сунъий интеллект, блокчейн ва бошқа рақамли технологиялар қўлланилган ҳолда унинг тезлиги ва хавфсизлиги таъминланади.

Рақамли технологияларга асосланган масофавий банк хизматлари мижозларга (юридик ва жисмоний) вақт ва молиявий ҳаражатларни сарфламасдан максимум банк хизматларидан фойдаланиш имконини беради. Мамлакатимизда ушбу йўналишда банк иловаларига уланган юридик ва жисмоний шахслар сонини қуйидаги диаграммада кўрамыз.

Диаграмма 1

Масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони*

(минг киши)



* Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг расмий маълумотларини ўрганган ҳолда муаллиф томонидан тузилган. – <https://cbu.uz/ru>.


Жадвалда МБХ дан фойдаланувчилар сони келтирилган бўлиб, 2020-2024 йилларда уларнинг сони ошиб борганлигини кўриш мўмкин. Айниқса, МБХ дан

фойдаланувчи **жисмоний шахслар** сони 2023 йилда 2019 йилга нисбатан 33 297,5 минг кишига (42 759,9 – 9 462,4) ёки 451 % га кескин ошган. Бундан, МБХ аҳолига қулайликлар келтираётганлигини хулоса қилиш мўмкин.

Банк пластик карталари орқали ҳарид қилинган товар ва хизматлар учун тўловлар амалга оширилиб, банклар орқали транзакциялар бажарилади. Бу эса аҳолига молиявий хизматларни амалга оширишда қулайликлар яратади (Диаграмма 2).

Диаграмма 2.

Тўлов терминаллари орқали амалга оширилган тўловлар*



* Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг расмий маълумотларини ўрганган ҳолда муаллиф томонидан тузилган. – <https://cbu.uz/ru>.

Диаграмма маълумотлари тўлов терминаллари орқали амалга оширилган тўловлар 2019-2023 йиллар давомида ўсиб борганлигини кўрсатади, жумладан, 2023 йилда 2019 йилга нисбатан 183 699,1 млрд.сўмга (254 719,1 – 71 020,0) ёки 358,6 фоизга, яъни 3,5 баробарга ошган.

Бундан ташқари, Марказий Банк томонидан 2020 йилда **QR-online** тўловларни амалга ошириш тизими жорий қилинган бўлиб, у харидорларга ҳарид қилинган товар (иш ва хизматлар) учун банк пластик картаси ва тўлов терминалини четлаб ўтган ҳолда тўловларни дақиқада амалга оширишга имкон беради. Бунинг учун савдо ва хизмат кўрсатувчи субъект ўз банкка мурожаат қилиб QR-код олиши талаб қилинади ва харидорлар ўзларининг мобиль иловаси орқали ушбу QR-кодни сканерлаш билан тўловни амалга ошириши мўмкин бўлади. Бу эса шубҳасиз, олди-сотди жараёнида янада қулайликлар яратади.

Эришилаётган муваффақиятларга қарамасдан, аҳолига молиявий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш борасида айрим муаммолар мавжудлиги кўзатилади, жумладан; рақамли технологиялардан фойдаланиш бўйича аҳоли

саводхонлигининг пастлиги, маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш, интернет тармоғи тезлигини ошириш ва бошқалар. Муаммоларни бартараф этиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади:

Хулоса ва таклифлар

1. **Рақамли технологияларга саводхоликни ошириш.** Аҳоли саводхонлигини ошириш бўйича илмий ва бошқа кўргазмали эшиттиришларни телевидения ва интернет тармоқлари орқали намойиш қилиш;

2. **Рақамлаштирилган банк хизматларини ривожлантириш.** Банк хизматлари бўйича рақамли иловаларнинг турларини кўпайтириш, янги функциялар билан бойитиш орқали мижозларга қулайликлар яратиш ва банк тизимини мавжуд иқтисодий муносабатларга мос моделини яратиш;

3. **Инфратузилмага инвестиция киритиш.** Масофавий банк хизматларидан фойдаланиш сифатини яхшилар мақсадида, айниқса ўзоқ ҳудудларда интернет тармоғи тезлигини оширишга мўлжалланган инвестицияларни кўпайтириш;

4. **Хавфсизлик чораларини кучайтириш.** Пул ўтказмалари билан боғлиқ транзакциялар ва мижозларнинг шахсий маълумотлари махфийлигини таъминлаш бўйича хавфсизлик чораларини кучайтириш, жумладан, биометрик аутентификация, рақамли идентификация, блокчейн ва бошқа замонавий технологиялардан фойдаланишни кенгайтириш;

5. **Инсон ресурсларини ривожлантириш.** Банк ходимларини замонавий рақамли технологияларни қўлланилиши юзасидан билимларини ошириб бориш, узлуксиз қайта тайёрлаш тизимини жорий этиш;

6. **Ривожланган давлатлар амалиётидан фойдаланиш.** Банк хизматлари кўрсатувчи ривожланган давлатларнинг финтех компанияларини мамлакатимиз банк тизимига жалб қилиш орқали уларнинг самарадорлик кўрсаткичларидан фойдаланиш;

7. **Ҳуқуқий меъёрларни яратиш.** Рақамли банк технологияларини қўлланилиши ва улар фаолиятини рағбатлантириш юзасидан ҳуқуқий меъёрлар ишлаб чиқилишини тезлаштириш.

Ушбу муаммоларни ҳал этилиши банк фаолиятини рақамлаштириш ва молиявий хизматлар кўрсатиш сифатини ошириб, аҳолига қулайликлар яратади, банкларнинг рақобатбардошлигини оширади ва мамлакат иқтисодиётини замонавий талаблар асосида ривожланишига ёрдам беради.

Адабиётлар рўйхати:

1. “2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 12.05.2020 й. ПФ-5992-сон. // <https://lex.uz/docs/4811037>.

2. R.H. Ayupov, G.R. Boltaboyev. “Raqamli iqtisodiyot asoslari” T: TMI, 2020.

3. Демина Е.И., Гребенюк Т.Г., Телегин А.В. Проблемы банковского обслуживания юридических и физических лиц. // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. - 2016. - № 7-3. - С. 450-453.

4. Кривошапова С.В, Латвин Е.А. Актуальные проблемы и перспективы

развития расчетно-кассовых операций клиентов кредитными организациями РФ. //Электронный научно-практический журнал «Современные научные исследования и инновации». //https://web.snauka.ru/issues/2014/11/41074.

5. Васильева Т.А. Концепция банк. 3.0: Глобальные тенденции и последствия // Open Journal Systems. [Электронный ресурс]. - URL: <http://fkd.org.ua/article/view/107714/105099>.

6. Азларова А, & Рахматуллаева М. (2022). Трансформация банковского сектора – неотъемлемая часть процесса становления цифровой экономики в Республике Узбекистан. Наука и научный потенциал: основа устойчивого инновационного развития общества, 1(1), 34–37. // <https://doi.org/10.47689/inlibrary-sspbsids-2022>

7. Бердияров Б.Т. Доходность активных операций коммерческих банков: Автореферат дис. на соис. уч. степ. кандидата экономических наук. - Т., 2002. -20 с.

8. Мирзаев Ф.И. Концептуальные основы формирования банковской конкуренции в Узбекистане: Автореферат дис. на соис. уч. степ. доктора экономических наук. -Т., 2011. -38 с.

9. Эрдонаев А. Теоретические основы трансформации коммерческих банков. // «Рынок, деньги и кредит» ежемесячный экономический научно- практический журнал, 4/2023. С.-3-11.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

